“INNOVATSION IQTISODIYOT VA MENEJMENT: ZAMONAVIY TENDENSIYALAR, MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLAR TO‘PLAMI

10.04.2026

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“MENEJMENT” KAFEDRASI

“INNOVATSION IQTISODIYOT VA MENEJMENT: ZAMONAVIY TENDENSIYALAR, MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”

xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLARI TO‘PLAMI

(10-aprel 2026-y.)

Samarqand - 2026

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КАФЕДРА «МЕНЕДЖМЕНТ»

«ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА И МЕНЕДЖМЕНТ: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ, ВОПРОСЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции

(10-апреля 2026 г.)

Самарканд – 2026

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

SAMARKAND INSTITUTE OF ECONOMICS AND SERVICE

DEPARTMENT OF MANAGEMENT

«INNOVATIVE ECONOMY AND MANAGEMENT: CONTEMPORARY TRENDS, CHALLENGES, AND PROSPECTS»

COLLECTION OF PROCEEDINGS

of the international scientific and practical conference

(10-Apr 2026)

Samarkand – 2026

UO‘K: 330.341.1:005
KBK: 65.011.15
Innovatsion iqtisodiyot va menejment: zamonaviy tendensiyalar, muammolar va istiqbollar // Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. 2026-yil 10-aprel. Samarqand, SamISI, 2026 – 1370 bet.

To‘plovchi va nashrga tayyorlovchi:
F.U.Tursunov – SamISI “Menejment” kafedrasi mudiri, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.

Nashr uchun mas’ullar:
O.M.Pardayev - SamISI, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha rektor o‘rinbosari, iqtisod fanlari doktori, professor
M.T.Alimova – SamISI “Menejment” kafedrasi professori, iqtisod fanlari doktori
Sh.S.Urazov - SamISI “Menejment” kafedrasi, PhD, dotsent v.b.
N.T.Sattorova - SamISI “Menejment” kafedrasi, PhD, dotsent v.b.
Q.S.Maxmudov – SamISI “Menejment” kafedrasi, katta o‘qituvchi

Sahifalovchi:
B.M.Abdumannonov – SamISI “Menejment” kafedrasi assistenti.

Ilmiy – amaliy konferensiya materiallarida “Innovatsion iqtisodiyot va menejment: zamonaviy tendensiyalar, muammolar va istiqbollar”ga oid yo‘nalishlar yoritilgan. To‘plamda:

- Innovatsion menejmentni rivojlantirishning metodologik masalalari;
- Innovatsion iqtisodiyot sharoitida xizmatlar sohasini rivojlantirish tendensiyalari, xususiyatlari va istiqbollari;
- Ta’limda innovatsiyalar – ta’lim xizmatlari sifati va raqobatbardoshligini oshirishning asosiy dastaklari sifatida;
- Innovatsion iqtisodiyot sharoitida hududlarda raqamli ekotizimni shaklllantirishning strategik yo‘nalishlari;
- Innovatsion klasterlarni milliy iqtisodiyot soha va tarmoqlarida shakllantirishning uslubiy asoslari”ga qaratilgan ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalarga boy tezis va maqolalarda o‘z aksini topgan.

Tezis va maqolalar mualliflar tahririda chop etilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas’ul hisoblanadi. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to‘g‘ri kelmasligi mumkin.

Материалы научно-практической конференции охватывают области «Инновационная экономика и менеджмент: современные тенденции, проблемы и перспективы». В сборник вошли:

- Методологические вопросы развития инновационного менеджмента;
- Тенденции, особенности и перспективы развития сектора услуг в условиях инновационной экономики;

- Инновации в образовании как основные рычаги повышения качества и конкурентоспособности образовательных услуг;

- Стратегические направления формирования цифровой экосистемы в регионах в условиях инновационной экономики;

- Методологические основы формирования инновационных кластеров в секторах и отраслях национальной экономики». Материалы конференции богаты научными, теоретическими и практическими рекомендациями.

Диссертации и статьи публикуются под редакцией авторов. Авторы несут ответственность за представленные в них рисунки, факты, выводы и рекомендации. Некоторые из их мнений могут не совпадать с мнением организационной группы.

The materials of the scientific and practical conference cover the areas of “Innovative economy and management: modern trends, problems and prospects”. The collection includes:

- Methodological issues of developing innovative management;

- Trends, features and prospects of developing the service sector in the conditions of an innovative economy;

- Innovations in education as the main levers for improving the quality and competitiveness of educational services;

- Strategic directions for forming a digital ecosystem in regions in the conditions of an innovative economy;

- Methodological foundations of forming innovation clusters in sectors and industries of the national economy” are reflected in theses and articles rich in scientific, theoretical and practical recommendations.

Theses and articles are published under the editorship of the authors. The authors are responsible for the figures, facts, conclusions and recommendations presented in them. Some of their opinions may not coincide with the views of the organizational group.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.
© “STEP-SEL” MChJ. Nashriyoti, 2026.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti. (2021, 18-may). “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qaror. Toshkent.
3. Blank, S. (2013). Startap egasining qo‘llanmasi: Mukammal kompaniya yaratish bo‘yicha bosqichma-bosqich qo‘llanma. K&S Ranch, AQSh.
4. Sarasvathy, S. D. (2001). Sabablash va effektyatsiya: Iqtisodiy zaruratdan tadbirkorlik imkoniyatlariga nazariy o‘tish. Academy of Management Review, 26(2), 243–263.
5. Xudoyberdiyeva, Sh. (2021). O‘zbekistonda startap ekosistemasini rivojlantirish va virtual biznes inkubatorlarning roli. Toshkent: Iqtisodiyot va Servis Instituti nashri.

Адизов Бобир Бахтиёрович - Молиялаштириш, иқтисодий ривожланишни режалаштиришдепартаменти бошлиғи БухДУ. Мустақил изланувчи
Адизов Бобир Бахтиёрович - Начальник отдела финансирования и планированияэкономического развития БухГу. Самостоятельный соискатель
Adizov Bobir Bakhtiyorovich - Head of the Department of Financing, Economic Development Planning of BukhSU. Independent seeker
90-512-77-97 **e-mail:** adizov.b@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ТЕНДЕНЦИЙ РАЗВИТИЯ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА В СФЕРЕ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ

ANALYSIS OF DEVELOPMENT TRENDS OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN IN THE TRAINING OF QUALIFIED PERSONNEL

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим муассаларини молиявий ривожланиш тенденциялари таҳлили, шунингдек ҳозирги иқтисодиёт шароитида малакали кадрларни истемолчилар томонидан ишга жойлаштириш орқали таълим муассларини ортиши орқали молиявий ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш*

Калит сўзлар: *тенденция, бошқарув самарадорлиги, молиявий ресурсларни, рақобатбардош, Карьера марказлари, илмий-интеллектуал, модернизациялаш, диверсификациялаш.*

Аннотация. *В статье анализируются тенденции финансового развития высших учебных заведений Узбекистана в сфере подготовки квалифицированных кадров, а также обеспечения финансового развития и устойчивости образовательных учреждений за счет трудоустройства квалифицированных кадров потребителями в современных экономических условиях.*

Ключевые слова: *тенденция, эффективность управления, финансовые ресурсы, конкурентоспособность, центры карьеры, научно-*

интеллектуальная модернизация, диверсификация.

Annotation. *The article analyzes the trends in the financial development of higher education institutions in Uzbekistan in the training of qualified personnel, as well as ensuring the financial development and sustainability of educational institutions through the employment of qualified personnel by consumers in the current economic conditions.*

Key words: *trend, management efficiency, financial resources, competitive, career centers, scientific-intellectual, modernization, diversification.*

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқланган. [1]

Таълим-бу қоидага кўра расмий таълим муассаси билан боғлиқ педагогик фаолиятдир. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” қонунига мувофиқ “Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш олий таълим ташкилотларида (университетлар, академиялар, институтлар, олий мактаблар) амалга оширилади”[89]. Олий таълим босқичининг сифат ва самарадорлиги ОТМларнинг ривожланганлик даражаси ва рақобат устунлиги билан бевосита боғлиқ бўлади. Уларни рақобат устунлиги биринчи навбатда ОТМларнинг турли мулкларга мансублиги билан тавсифланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон олий таълим тизимида рақобат муҳити шаклланган бўлиб, ОТМлар бир-бири билан эркин рақобат қилиш имкониятига эга бўлмоқда.

Олий таълимни молиявий ривожлантириш тенденциялари кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган бўлиб, асосий эътибор давлат-хусусий шериклик, муассасаларнинг молиявий мустақиллиги, илмий-тадқиқотларни тижоратлаштириш, эндаумент фонд ва шунга ўхшаш нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармаларини ташкил этишга қаратилган. Нодавлат таълим секторининг кенгайиши ва халқаро ҳамкорлик орқали рақобатбардошликни ошириш устувор йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорларининг ўзаро боғлиқлиги, таълим хизматлар бозорининг тузилмаси ва ривожланишининг

[89] Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. ЎРҚ-637-сон. https://lex.uz/ru/docs/5013007.

асосий тенденциялари, меҳнат бозори ҳолати ва унинг сўнги йиллардаги динамикаси, олий таълимга бўлган ёшларнинг эҳтиёжи масалалари бўйича ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳамда статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда олий таълим муаассалари таълим олишга бўлган эҳтиёжга қараб ортиб бориши ва тенденциялари билан тавсифланади.

1-жадвал

Ўзбекистонда турли мулк шаклига асосланган ОТМларнинг 1991-2026 йиллардаги динамикаси (сонда)[90]

Йиллар	Жами ОТМлар сони	Турли мулк шаклига асосланган ОТМлар			
		Давлат ОТМлари	Хусусий ОТМлари	Хорижий қўшма ОТМлари	Молиявий мустақил давлат ОТМлари
1991	60	0	0	0	0
2000	61	61	0	0	0
2005	62	60	0	2	0
2010	65	59	0	6	0
2015	69	62	0	7	0
2020	127	94	5	18	10
2026	222	51	99	30	42

1-жадвалдан кўриниб турибдики, агар мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистондаги барча ОТМлари давлат мулки асосида фаолият кўрсатилган бўлса, 2026 йилга келиб, жами 222 та ОТМлардан 51 таси (23 %) давлат ОТМлари, 99 таси (45%) хусусий ОТМлари, 30 таси (13%) хорижий қўшма ОТМлари ва 42 таси (19%) молиявий мустақил давлат ОТМларини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳозирги даврда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фаолият олиб бораётган барча тур ва шаклдаги корхоналарнинг барқарор ривожланишига қаратилгандир. Шу жиҳатдан, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, диверсификациялаш, молиялаштириш, инвестициялаш, замонавий техника ва рақамли технологияларни жалб этиш баробарида улар фаолиятида маркетинг хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ҳар қандай соҳа, шу жумладан таълим тизими олдида

[90] Манба: Статистик маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси. https://stat.uz/oz/rasmiy-statistika-2/social-protection-3

турган ҳамда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда олий таълим муассаларини модернизациялаш, молиявий ва академик мустақиллик бирилиши орқали такомиллаштириш уни янги босқичга кўтариш асосида креатив фикрлайдиган рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида кенг миқёсда олиб борилаётган ислоҳотлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади.....”. [3]

Таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозорида рақобат кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, потенциал талабни баҳолаш учун бозорни ўрганишнинг маркетинг усулларига мурожаат қилиш керак. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади истиқболли таълим эҳтиёжларини аниқлаш, уларни қондириш даражасини баҳолаш, фаразларни синаб кўриш ва истеъмолчиларнинг хатти – ҳаракатларини башорат қилишдир. Шу нуқтаи назардан маркетинг тадқиқотлари методологиясини таълим эҳтиёжларини таҳлил қилишда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасаларини ҳозирги иқтисодий шароитда ривожланиш тенденцияларига таъсирини давлат олий талим муассаларига таъсир кўрсатувчи академик ва моливий мустақил ва хусусий олий таълим муассалари мисолида кўриш мумкин. Давлат ОТМларига нисбаттан таълим хизматларини кўрсатиш учун академик ва моливий мустақил ва хусусий ОТМлар ривожланиш йўлидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ички имкониятларини таълим хизматлари бозори ва рақобатбардошлик талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади ва тадбиқ этилади.

Олий таълим муассасаларининг таълим фаолияти, агар улар меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва таълим хизматларининг асосий истеъмолчилари ва иш берувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурларини, академик ва молиявий нормаларини ишлаб чиқиб амалга оширсалар муваффақиятли натижаларга эриша оладилар.

Олий таълимни ривожланиши ва рақобатбардош ОТМлар сони янада ортиб бориши учун ҳозирги кундаги муаммолар дуч келаётганлиги кўриб чиқадиган бўлсак, олий маълумотли кадрларни ишга жойлаштириш учун истемолчилар томонидан иш жойларини камлиги сабали малакали кадрларни ишга жойлаштириш имкониятлари пасайиб бормоқда.

Ишга жойлаштириш бўйича муаамоларни бартараф этиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим ташкилотларининг битирувчи босқич талабалари ўртасида соҳалар бўйича очиқ танловлар ўтказиш ва ғолибларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш. Бунда:

Салоҳиятли иш берувчи ташкилотлар, шу жумладан йирик корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжини аниқлаш ва мутахассисларга қўйиладиган талабларни шакллантириш амалиёти йўлга

қўйилади.[4]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси функцияларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, бунда таълим сифатини баҳолашнинг янги механизмларини жорий этиш, кадрлар буюртмачилари ва талабалар ўртасида ўтказилган миллий сўров натижаларини чуқур тадқиқ қилиш орқали муаммоларни бартараф этиш, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида таълим сифатини таъсирчан инструментлар ёрдамида назорат қилиб бориш, битирувчилар сифати ва уларнинг ихтисослиги бўйича ишга жойлашиш масалаларига эътибор қаратиш;

олий таълим муассасалари тузилмасини ислоҳ қилиш асосида фаолияти талабалар амалиёти ва ишга жойлашишига ҳар томонлама кўмаклашиш, потенциал иш берувчилар рўйхатини шакллантириб бориш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек аввалги битирувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланишга қаратилган «Карьера марказлари»ни ташкил этиш. [5]

Хулоса қилиб айтганда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш бугунги даврнинг энг муҳим кечиктириб бўлмас ислоҳотларидан бири ҳисобланиб, фикримизча унинг ривожини таъминлашимиз мумкин. Олий таълим муассаларини таълим хизматлар бозорининг тузилмаси ва ривожланишининг асосий тенденциялари хорижий таълим муассалари билан рақобатбардош кадрларни тайёрлар ва шу билан бир қаторда кадрларни ишга жойлаштириш учун хорижий ҳамкорлар билан юртимизда корхона ташкил этиш чораларини кўриш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғриси”да Фармони https://lex.uz/ru/docs/5073447

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь. Манба: www.***press-service***.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-61сонли қарори https://lex.uz/docs/7386917

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847 сон Фармони https://lex.uz/docs/4545884

Xolboyeva Nilufar Xabibjonovna Amriddinova R.S.	TURIZM MARKETINGI TADQIQOTLARIDA MA’LUMOTLAR BAZASINI TUZISH VA ULARNI TAHLIL QILISH	814
Eshpulatov Davlatbek G‘ayratjon o‘g‘li Tursunov Farxod Umirzakovich	AKADEMIK KÒNIKMALARNING TALABALAR FAOLIYATIDAGI AHAMIYATI VA DOLZARBLIGI	817
Hakimova Zulfiya Alisherovna Mo‘minova Mohchexra Melikovna	SHAXSIY AKADEMIK FAOLIYAT VA UNI TASHKIL ETISH VOSITALARI	819
Yahyoyev To‘lqin Ismatulla o‘g‘li	QURILISH KORXONALARIDA XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA MOLIYAVIY INSTRUMENTLAR BAHOLASH, HISOBDA AKS ETTIRISH VA TAHLIL QILISHNING ALOHIDA XUSUSIYATLARI	823
Yahyoyev To‘lqin Ismatulla o‘g‘li	QURILISH KORXONALARIDA XARAJATLAR HISOBI VA TAHLILINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	827
Yusupov Nurbekjon Xasan o‘g‘li Yusupova Gulnora Jumanazarovna	VIRTUAL BIZNES INKUBATORLAR	831
Адизов Бобир Бахтиёрович	ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ	835
Исхакова Сарвар Аюбовна	ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ	840
Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ	844
Махмудов Суннат Абдужабборович Сулейманова Асель Арматовна	СИСТЕМА ПОДБОРА И ПРОДВИЖЕНИЯ ПЕРСОНАЛА КАК ИНСТРУМЕНТ ИННОВАЦИОННОГО МЕНЕДЖМЕНТА ОРГАНИЗАЦИИ	851
Yusupov Nurbekjon Xasan o‘g‘li Tursunova Maftunabonu Narzullo qizi	BIZNES INKUBATORLARNING FUNKSIYALARI VA ROLI: INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA TAHLIL	854